

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг
2023 йил “22”декабрдаги ____-сонли
хатига илова

**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил учун Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги
ХИСОБОТИ**

№	Амалга ошириладиган ишлар	Бажарилиши	Асос
I. Рақобаттўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининголдиниолишбўйича механизм ваҳуқуқийасосларни яратилганлиги			
1.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ Бош директорининг 2023 йил 15 июндаги 19-п-сонли буйруғи билан “Ўзбекэкспертиза” АЖда “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида” ички Низом тасдиқланган.	Тасдиқланган ички Низомнинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда.
2.	Рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ Бош директорининг 2023 йил 15 июндаги 19-п-сонли буйруғи билан “Ўзбекэкспертиза” АЖ тизимида рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланган.	Тасдиқланган “Йўл харита”нинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда.
3.	Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатлари камситилишига	- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг расмий веб-сайтида “Рақобат чекланиши ҳақида хабар бер!” номли саҳифа яратилди;	“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг расмий веб-сайтида яратилган “Рақобат чекланиши ҳақида хабар бер!” номли саҳифага

	олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги.	- мазкур соҳага оид мурожаатларни қабул қилиш мақсадида “@uzbekexpertiza_bot” телеграм боти ва Call-марказ (71 230-23-59) фаолияти йўлга қўйилди.	қўйидаги ҳавола орқали кириш мумкин: https://expertiza.uz/ru/interactive-services/restriction-competition/
4.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот Рақобат қўмитасига белгиланган вақтда тақдим этилди ва ташкилотнинг расмий веб сайтига жойлаштирилди.	Ҳисобот “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил 22 декабрдаги ____-сонли хати орқали юборилди. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган ҳисобот билан қўйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://expertiza.uz/

II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги

5.	Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг хукуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички хужжатларни хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси.	Ҳисобот даврида “Ўзбекэкспертиза” АЖ фаолиятига тегишли материалларни ўрганиш давомида ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.	Қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд эмас.
6.	Аниқланган қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ фаолиятида қонун бузилиш ҳолатлари ва камчиликлар олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.	Қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд эмас.
7.	Фаолият давомида олди олинган қонун бузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ томонидан амалга ошириладиган Давлат харидлари тизими фаолиятини самарадорлигини ошириш, қонун бузилиш ҳолатларини	“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил 27 ноябрдаги “ходимни ишга қабул қилиш

		олдини олиш мақсадида Давлат харидлари бўйича мутахассис ишга жалб қилиниб, тизим фаолияти ўрганиб чиқилмоқда.	тўғрисида”ти 120-к-сонли буйруғи илова қилинмоқда.
8.	Ташкилот фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги.	<p>“Ўзбекэкспертиза” АЖдаги ваколатли шахс томонидан 2023 йил давомида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган қуидаги омил аниқланди ва уни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.</p> <p>Давлат харидлари, тендер савдоларини Жамиятда бир киши барча ишларни амалга ошириб келган. Бу ўз ўрнида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлади.</p>	Жамиятнинг 2023 йил 22 ноябрдаги 124-к/п-сон буйруғига мувофиқ, давлат харидлари, тендер савдолари соҳасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида вазифалар тақсимоти ички буйруқ билан қайта тақсимланди. Буйруқ илова қилинади.
9.	Қабул қилинадиган ички хужжатларнинг лойиҳалари ўрганилганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги.	<p>“Ўзбекэкспертиза” АЖдаги ваколатли шахс томонидан қабул қилинадиган ички хужжатларнинг лойиҳаларида рақобатни чеклайдиган нормаларни аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2023 йил давомида жами 130 та (103 та буйруқ ва 27 та фармойиш) ички хужжатлар лойиҳалари ўрганилди.</p> <p>Ўрганишлар натижаси бўйича қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли таклифлар берилган.</p>	<p>1. Жамиятнинг 2023 йил 22 ноябрдаги 124-к/п-сон буйруғига мувофиқ, давлат харидлари, тендер савдолари соҳасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида вазифалар тақсимоти ички буйруқ билан қайта тақсимланди. Буйруқ илова қилинади.</p> <p>2. Жамиятнинг ягона ахборот электрон тизимидағи хизматларнинг нархлари автоматик тарзда, инсон омили қўшилмаган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилди.</p> <p>3. Жамият томонидан кўрсатиладиган Келиб чиқиш</p>

		<p>мамлакати тұғрисидаги сертификатларни расмийлаштириш тизимини тұлық автоматлаштириш ва аризаларни расмий веб-сайт орқали юборош имконияти яратилиши билан аризаларни күриб чиқиши жараёнида инсон омили йўқ қилинди.</p> <p>4. Жамиятнинг ягона ахборот электрон тизими 1С бухгалтерия тизими билан интеграция қилиниши муносабати билан мижозлар билан Жамият ўртасида молиявий ҳисоб-китобларни очик ва шаффофф амалга оширилишига эришилди.</p>
10.	Рақобат тұғрисидаги қонунчилік хужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, идоравий хужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқылган таклифлар ва уларнинг амалиётта татбиқ этилганлиги.	<p>Рақобат тұғрисидаги қонунчилік хужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, жами 1 та ички идоравий хужжатта ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқылган ва амалиётта жорий этилган.</p> <p>1. Жамиятнинг 2023 йил 22 ноябрдаги 124-к/п-сон буйруғи. Буйруқ илова қилинади.</p> <p>2. Жамиятнинг ягона ахборот электрон тизими мұвафақиятли ишга туширилиши муносабати билан Жамият томонидан күрсатиладиган хизматлар учун қўшимча хужжатлар талаб этилиши бекор қилинди.</p> <p>3. Жамиятнинг ягона ахборот электрон тизими орқали</p>

			мижозлар билан онлайн шартномалар тузилади, тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддати тугаб бораётган бўлса тизим у ҳақида олдиндан хабардор қилиш имконияти яратилди.
11.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишлиар.	“Ўзбекэкспертиза” АЖда монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти билан тизим ташкилотлари ходимларини хабардор қилиш ва малакасини ошириш мақсадида, Жамиятнинг ҳудудий шўъба хўжалик жамиятлари ходимлари билан онлайн форматда видео конференц алоқа орқали ўкув семинари ўtkazilgan.	Онлайн форматда видео конференц алоқа орқали ўкув семинари ўtkazilgan. Zoom тизими орқали қуидаги ҳавола: https://us06web.zoom.us/j/85686838035?pwd=VQVcbSymbZu0wRSnnYPbzU2j21F7h4.1

III. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари

12.	Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ бош директорининг 2023 йил 15 июндаги 19-псонли буйруғига асосан монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс тасдиқланган.	“Ўзбекэкспертиза” АЖ бош директори-нинг 2023 йил 15 июндаги 19-псонли буйруғи илова қилинмоқда.
13.	Ташкилот раҳбарлари томонидан ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги.	2023 йилнинг 27 июн санасида “Ўзбекэкспертиза” АЖ бош директори ўринбосари бошчилигига ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига	Жамиятнинг 2023 йил 27 июндаги 4/2023-сонли йиғилиши баённомаси ва фотосуратлар илова қилинмоқда.

		мувофиқлигини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.	
--	--	--	--

IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва қўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги

14.	Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва қўникмалари оширилганлиги.	2023 йил давомида масъул шахс томонидан Жамият ходимларнинг, шу билан бирга худудий шўъба хўжалик жамиятлари ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари юзасидан билим ва қўникмаларини оширишга қаратилган онлайн форматда видео конференц алоқа орқали жами 3 та давра сухбати ва ўкув семинарлари ташкил этилди.	Барча тадбирлар онлайн форматда видео конференц алоқа орқали худудий шўъба хўжалик жамиятлари ходимлари иштирокида ўтказилди. Zoom тизими орқали қўйидаги ҳавола: https://us06web.zoom.us/j/84169831983?pwd=aH5M08XRcj7lE20OzX0HNtbLRQKtVD.1
15.	Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид маҳсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги.	Ваколатли шахс томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган монополияга қарши комплаенс тизимини самарали ташкил этиш ва мазкур тизим фаолияти учун масъул бўлган ходимларнинг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида улар билан тушунтириш ишлари амалга оширилди.	Жамият ва тизим ходимларининг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида улар билан тушунтириш ишлари амалга оширилган.